

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИГАМОВ СОБИР САЛИМОВИЧ**

**ЎҚУВЧИЛАРНИ ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИГА ЎРГАТИШ  
ЖАРАЁНИДА ИЖОДКОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи (Технология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Игамов Собир Салимович**

Ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик  
компетенцияларини шакллантиришнинг инновацион технологиялари ..... 3

**Игамов Собир Салимович**

Инновационные технологии формирования творческих компетенций в  
процессе обучения студентов народным промыслам ..... 21

**Igamov Sobir Salimovich**

Innovative technologies for the formation of creative competencies in the process  
of teaching students to handicrafts ..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИГАМОВ СОБИР САЛИМОВИЧ**

**ЎҚУВЧИЛАРНИ ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИГА ЎРГАТИШ  
ЖАРАЁНИДА ИЖОДҚОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи (Технология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.2.PhD/2463 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қўйсинов Одил Алмуратович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Шомирзаев Махматмурод Хуррамович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» Феврал соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «12» Феврал да тарқатилди.  
(2022 йил «12» Февралдаги \_\_\_\_\_ 9 -рақамли реестр баённомаси).



**Х.П.Ибраимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий Кенгаш раиси,  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD) пед. ф. б.

**Н.Ш.Шодиев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
педагогика фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда фан-техника ва технологиялар жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги шароитда саноат тармоқларини ривожлантириш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ижодий фикрловчи, муаммоларнинг янги ечимларини доимий изловчи ижодкор мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёж янада кучайиб бормоқда. Ўқувчиларни ижодкорлик фаолиятига тайёрлашда технология фанидан ташкил этиладиган машғулотлар, дарсдан ташқари ишларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда технология фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш, мустақил фикрлаш ва илмий изланувчанлик сифатларини таркиб топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё миқёсида ўқувчиларни ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш, ижодкорлик кўникмасини қарор топтириш ва ривожлантириш, уларнинг танлаган касбларига қизиқишини оширишга йўналтирилган изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, миллий ҳунармандчиликни фанлараро такомиллаштириш, шахснинг ижодий қобилиятини ривожлантириш ва ижодкорликни ривожлантиришнинг психологик ва дидактик жиҳатларини илмий асослаш, техник ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ илмий-тадқиқотлар кўламини ошириш устувор аҳамият касб этади. Шунинг билан биргаликда ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришни илмий асослаш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни етук, баркамол шахслар сифатида тарбиялаш, уларни ижодкорлик фаолиятига тайёрлаш усулларини такомиллаштириш, уларнинг бўлажак касбий фаолиятида фаол иштирок этишини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. “Кичик ёшдан ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда касб танлаш, касбий ўсишини мустақил режалаштириш, замонавий касбларни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш”<sup>1</sup> муҳим устуворлик касб этади. Айниқса, ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг мантиқий структурали босқичларини тадбиқ этишнинг замонавий технологияларини аниқлаш, шунингдек дарс ва дарсдан ташқари шароитларда ўқувчилар ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрел ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сон “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. ”Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда А.Хўжаев, Р.Джураев, У.Нишоналиев, Н.Муслимов, Ў.Толипов, Ш.Шарипов, И.Чориев, Н.Сайидахмедов, Ю.Махмудов, Б.Муранов, А.Хўжабоев, М.Шомирзаев каби олимлар технология фанида миллий ҳунармандчиликни фанлараро такомиллаштиришга бағишланган тадқиқот ишларини олиб боришган. Миллий ҳунармандчилик соҳаларини ўрганишнинг таълим-тарбиявий асослари С.Булатов, С.Ҳасанов, И.Каримов, Қ.Қосимов, О.Худоёрова, А.Турдиалиев, Д.Зоҳидова, О.Жамолиддиноваларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган. Бўлғуси педагогларни тайёрлаш, шу жумладан, меҳнат ва касб-ҳунар таълими мутахассисларини таёрлашнинг турли жабҳалари Н.Шодиев, П.Мағзумов, Ҳ.Рашидов, Р.Мавлонова, У.Иноятов, Э.Турдиқулов О.Қўйсинов кабилар томонидан ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан В.Жуков, С.Толстов, В.Массон, А.Треножкин, С.Русакينا, Н.Баранский, Н.Мироненко, Н.Фалькова, Ю.Липец, А.Низалиевлар миллий ҳунармандчиликни фанлараро такомиллаштиришнинг баъзи жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Шахснинг ижодий қобилиятини ривожлантириш ва ижодкорлик қобилиятлари масаласи Г.Буш, С.Гусеваларнинг ишларида, ижодкорликнинг психологик жиҳатлари эса, Л.Выготский, А.Матюшкин, С.Рубинштейн, ўқувчилар ижодкорлик фаолиятининг психологик-педагогик жиҳатлари Д.Богоявленская, А.Вейн, Д.Перкинсларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. В.Г.Разумовский,

Е.И.Рожкова ва бошқаларнинг ишларида эса ижодкорликнинг дидактик жиҳатлари ёритиб берилган. Техник ижодкорликни ривожлантириш педагогик муаммо сифатида П.Атутов, Ю.Бабанский, С.Батишев, В.Панеях, П.Андрианов, В.Алексеев, А.Воробьев, Ю.Столяровлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатлар олимлари G.Spenser, B.Blum, R.Mohan каби олимлар таълимда ижодкорлик, педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, компетентлик масалалари, касбий-методик етуклик муаммолари, педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш назарияси, D.Bell, D.Medous, P.Kuusi, E.Toffler, J.Masudalar эса технологик таълим мазмунини замонавийлаштириш, технологик компетентликни шакллантириш, уни жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларга мослаштириш масалаларини ёритиб беришган.

Аmmo юқорида санаб ўтилган илмий изланишларда ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларни шакллантириш муаммоси махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг интегратив тавсифга эга инновацион технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Умумтехника ва технология фанларини ўқитишда инновацион ёндашув” (2020-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ўқувчиларда ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш;

дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш орқали ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш;

инновацион технологиялар асосида ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларни шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятларидаги умумтаълим мактабларининг 370 нафар респондент ўқувчилари жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш мазмуни, модели ва инновацион технологиялари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда ўқув-меъёрий хужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, лойиҳалаш, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, прогностика ва ташхислаш, педагогик тажриба-синов; психодиагностика, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ўқувчиларда ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш тузилмаси когнитив, мотивацион-эмоционал, фаолиятли, когнитив компонентларнинг кластерли ёндашув билан горизонтал ва вертикал интеграциясини ўқув элементларига мақсадли йўналтиришга доир дидактоген идентификацияси натижавийлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг репродуктив, продуктив ва креатив мезонлари ва критик, адаптив, мақбул кўрсаткичлари Блум таксономиясига мувофиқ ўқув фаолиятдан кутиладиган натижаларни трансформацион ижодкорликнинг миллий ўзликни англаш, яратувчанлик, инновацион фикрлаш индикаторлари билан айнийлик ва нисбийлик даражаларини белгилаш орқали аниқлаштирилган;

дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш орқали ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш моделининг амалий йўналтирилган компоненти креатив таълим муҳити шароитида жадал мослашувчан ва синектик тавсифга эга интерфаол ўқитиш технологияларини босқичма-босқич қўллаш алгоритмини локал-модулли тарзда ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш асосида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари муаллифлик ёндашуви асосида ишлаб чиқилган “Эталон” технологиясига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган ижодий машқлар ва муаммоли видеотопшириқлар, алгоритмик хариталарни “Technology crafts” электрон тизими орқали креатив тафаккурни ривожлантириш жараёнларига продуктоген таъсир даражасини интенсив кенгайтириш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Технология фанини ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма нашр эттирилган;



“Технология фанини ўқитиш методикаси фанидан лаборатория машғулотларини бажариш” бўйича методик қўлланма ишлаб чиқилган; мактаб ўқувчиларининг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантирувчи “Technology crafts” номли Web-сайт яратилган;

“Технология фанини ўқитиш методикаси” фанидан курс ишларини бажариш бўйича методик тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация тадқиқотининг назарий-методологик асослари, унга мос даражадаги методлар ва тадқиқот методикалари мажмуасининг, замонавий математик-статистика усулларининг ишончлилиги ва самарадорлиги ҳамда эмпирик тадқиқот натижаларини тўғри талқин қилиниши билан таъминланган. Маълумотларни қайта ишлаш математик-статистика методларини самарали қўллашни таъминловчи стандарт дастурий воситаларда амалга оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларни шакллантиришнинг асосий методологик принциплари, йўналишлари ҳамда қоидалари эвристик методлари ёрдамида такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг методик тизими ишлаб чиқилган моделидан умумий ўрта таълим мактабларида технология дарслари ва дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан “Технология” фани бўйича ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратишда, ўқув-услубий материаллар тайёрлашда фойдаланиш ҳамда “Эталон” технологияси асосида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг инновацион технологиялари бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ўқувчиларда ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш тузилмасини когнитив, мотивацион-эмоционал, фаолиятли, когнитив компонентларнинг кластерли ёндашув билан горизонтал ва вертикал интеграциясини ўқув элементларига мақсадли йўналтиришга доир дидактоген идентификацияси натижавийлигини таъминлаш асосида аниқлаштиришга доир таклифлардан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 21 сентябрдаги 02-02/3-2428-сон маълумотномаси). Натижада, технологик таълим жараёнида ўқувчиларда ижодий компетенцияларни шакллантириш мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

Ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш, дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш орқали ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш моделининг амалий йўналтирилган компонентини креатив таълим муҳити шароитида жадал мослашувчан ва синектик тавсифга эга интерфаол ўқитиш технологияларини босқичма-босқич қўллаш алгоритмини локал-модулли тарзда ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5-7 синф технология фани дарсликларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими таълими вазирлигининг 2021 йил 21 сентябрдаги 02-02/3-2428-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатиш асосида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини муаллифлик ёндашуви асосида ишлаб чиқилган “Эталон” технологиясига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган ижодий машқлар ва муаммоли видеотопшириқлар, алгоритмик хариталарни “Technology crafts” электрон тизими орқали креатив тафаккурни ривожлантириш жараёнларига продуктоген таъсир даражасини интенсив кенгайтириш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0912150534. “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” (2015-2018 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (ЎзР Вазирлар Маҳкамасини ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2022 йил 12 январдаги 03-06-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим тизимида халқ ҳунармандчилигини ўрганишнинг тарихий ривожланиши ва назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда халқ ҳунармандчилигининг тарихий тараққиёти ҳамда ўрганиш ва ўргатиш педагогик муаммо сифатида ўрганилган, умумий ўрта таълим мактабларида ўқув-тарбиявий тадбирларда халқ ҳунармандчилигини ўрганишнинг мазмуни таҳлил қилинган, технология дарслари ҳамда дарсдан ташқари машғулотларда халқ ҳунармандчилигини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича илмий тавсиялар берилган.

Ёшларнинг меҳнат тайёргарлиги, таълими, тарбияси, уларни касбларга йўналтириш, касб танлаш, эгаллаш, касбий маълумотлар бериш, касбларга мослашишларининг турли масалалари билан турли давлатларнинг турли соҳа олимлари (фалсафа, психология, педагогика, дидактика, иқтисодиёт ва бошқ.) ҳар хил даврларда шуғулландилар ва ҳозир ҳам шуғулланмоқдалар.

МДХ олимларидан П.Р.Атутов, К.Ш.Ахияров, С.Я.Батышев, Ю.К.Василев, К.И.Иванович, В.А.Поляков, К.Н.Катханов, А.Д.Сазонов, А.Е.Ставровский, А.Ф.Чичков, А.И.Воробев, А.С.Линда, К.Д.Тхоржевский, И.А.Сасова, Н.И.Бабкин ва шу каби кўплаб тадқиқотчилар ёшларни меҳнат ва касб таълимининг турли жабҳалари назарий ва амалий масалаларни тадқиқ этиш билан шуғулланганлар.

У.Н.Нишоналиев, Н.Шодиев, Э.Т.Чориев, А.Р.Хўжабоев, Я.Хайдаров, Р.Мавлонова, К.Мирсаидов, К.Давлатов, Ж.Рамизов, Н.Сайидахмедов, П.Т.Магзумов, О.Хайитов, И.Каримов, В.Инсапов, К.Мустафоев, О.Магдиев, Н.Муслимов каби ўнлаб педагог олимлар ўзларининг турли асарларида чоп этилган материалларида ёшларнинг меҳнат ва касб таълими тайёргарлигининг турли соҳаларини тадқиқ этишган.

Н.Шодиев ёшлар келгусида ҳаётга, меҳнатга, маълум касбга тайёргарлиги масалалари, ўқувчиларнинг касбий таълимнинг педагогик, методик асосларини ёритиш мавзуси билан, маҳаллий шароитларда ўқувчилар ижтимоий фойдали, унумли меҳнатини ташкил этишда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш методикаси билан ҳамда, бўлғуси ўқитувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш масалалари билан шуғулланган.

У.Н.Нишоналиев, Н.Шодиев, Э.Т.Чориев, А.Р.Хўжабоев, Я.Хайдаров, Р.Мавлонова, К.Мирсаидов, К.Давлатов, Ж.Рамизов, Н.Сайидахмедов, П.Т.Магзумов, О.Хайитов, И.Каримов, В.Инсапов, К.Мустафоев, О.Магдиев,

Н.Муслимов каби ўнлаб педагог олимлар ўзларининг турли асарларида чоп этилган материалларида ёшларнинг меҳнат ва касб таълими тайёргарлигининг турли соҳаларини тадқиқ этишган.

Э.Т.Чориев мамлакатимиз шароитида ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлиги тизимини (тартибини) яратган.

П.Т.Магзумов ўқувчилар ижтимоий фойдали, унумли меҳнатини турли қирралари, томонларини ташкил этиш шаклини ўзининг кўпгина асарларида ёритган.

Н.С.Сайидахмедов ўқувчилар меҳнат амалиётининг педагогик шарт-шароитлари, юқори синф ўқувчилари меҳнатини ташкил этиш, олийгоҳ талабаларини ёшларнинг унумли меҳнатга раҳбарликка тайёрлаш муаммолари билан шуғулланган .

Мактаб ўқувчиларининг меҳнат тайёргарлиги политехник таълим, уларнинг ижтимоий-фойдали унумли меҳнатини ташкил этишнинг замон ўзгаришларига уйғунлашган ҳолдаги мазмуни, шакл, усул ва воситаларини ишлаб чиқиш масалалари мустақил давлатимиз педагог-олимлари олдидаги, давлат аҳамиятидаги масала бўлиб қолмоқда.

Ўқувчиларнинг бадиий ижодкорлик ва лойиҳалашга ўргатиш умумий ўрта мактабларида, ёки ҳунар тўғарақларида амалий санъат турларини ўргатишнинг таълимий асосларини Р. Ҳасанов, Н.Н.Алексахин, С.С.Булатов, Ю.П.Желтухов, Б.Ортиқов, И.Каримов, А.Морозова, А.П.Галбаров, Б.Сергеев, В.Разводовский, О.Худоёрова, М.В.Максимова, Г.Л.Чепелевская, М.Рахимов, А.Турдиалиев, П.А.Гончарова, В.А.Мазур ва бошқалар ўз илмий ишларида ёритдилар.

Кузатишларимиз натижасида маълум бўлдики, халқ ҳунармандчилиги турли соҳаларини (гиламчилик, наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, суяк ва металл ўймакорлиги, каштачилик, миллий пазандачилик асослари, миллий қандолатчилик, эгар-жабдуқлар тайёрлаш, сўзаналар тикиш, пичоқ тайёрлаш, темирчилик, кандакорлик, рехтагарлик (кўнғироқсозлик), чармдўзлик, этикдўзлик, дўппи ва чопонлар тикиш, миллий иморатсозлик, сандиқлар ва бешик яшаш, миллий деҳқончилик асослари ва бошқаларнинг дидактик-услубий асослари тизимлаштирилган ҳолда яратилган эмас. Бу соҳаларнинг мактабларда (умумий ўрта, махсус, ҳунар, олий) қўлланилишининг илмий-педагогик асослари, методик йўллари, воситалари, мазмуни, услублари бутунлигича мужассамлантирилган ҳолда шакллантирилмаган. Халқ ҳунармандчилигининг турли соҳаларини амалиётга қўллаш, ёш авлодга ўргатиш жараёнида технология таълими, тарбияси ва бошқалар бир бутун тизим ҳолида ишланмасдан, халқ таълими тизимида қўлланилмасдан келинмоқда. Зеро, давлатимизнинг мустақил республика сифатида шаклланиши, турли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳар бир халқнинг миллий қадриятини улуғлаш даври этилганлигини кўрсатади.

Тадқиқотимизни олиб бориш давомида таҳлил ва кузатишларимиз шуни кўрсатдики, умумий ўрта, профессионал таълим ўқув дастурларида ўқув услубий қўлланмаларида, дарсликларида халқ ҳунармандчилиги ўқув элементлари киритилмаган ёки жуда ҳам кам киритилган.

Халқ ҳунармандчилиги бўйича ўқувчилар унумли меҳнатини ташкил этиш йўллари, мазмуни, воситалари, услублари жорий таълим дастурларида, ўқув қўлланмаларида ҳамда дарсликларда акс эттирилмаган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатишда ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришнинг дидактик асослари”** деб номланган иккинчи бобида умумий ўрта таълим тизимида халқ ҳунармандчилигини ўрганишда ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришнинг дидактик тизими, халқ ҳунармандчилигини ўргатишда педагогик фаолиятни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари илмий асосланган, ўқувчиларнинг халқ ҳунармандчилигини ўрганиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришнинг инновацион технологиялари амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида технология таълимида қуйидаги ўқув-тарбиявий тадбирлар Ўқув элементлари (ЎЭ) тарзида ташкил этилишини кузатдик: ЎЭ-1. Ҳунармандчилик ва технология таълими соҳалари бўйича ташкил этиладиган турли тўғараклардаги машғулотлар. ЎЭ-2. Мактаб, ишлаб чиқариш корхоналари ва хусусий шахслар тасарруфидаги ҳунармандчилик устахоналарида олиб бориладиган ўқув, тарбиявий, маъсулият талаб этиладиган фаолиятда қатнашиш. Бундай устахоналар республикамизда «Усто», «Мерос», «Ҳунарманд» каби уюшмаларга бирлаштирилган. ЎЭ-3. Таълим муассасаларида турли фанлар бўйича ташкил этиладиган лабораториялардаги ижодий фаолиятда иштирок этиш. ЎЭ-4. Мактаб тажриба ер участкасида олиб бориладиган синов ишлари, натижа берадиган, унумли фаолиятида қатнашиш...


Юқорида кўриб ўтилган технология таълими ва ҳунармандчиликдан ташкил этиладиган ўқув-тарбиявий тадбирларнинг барчасини муҳим ва уларни такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз ва диссертациямизда баъзиларнигина (масалан, меҳнат амалиёти – ЎЭ-7 ва тўғараклар – ЎЭ-1) такомиллаштириш технологияси тавсифномаси билан чекланамиз.

Олиб борилган тадқиқот натижаларини умумлаштирилган ҳолда, ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш модели (1-расм) таклиф этилди.

Моделда қутилаётган натижага эришиш йўлларининг узвийлиги акс эттирилган бўлиб, таълим жараёнининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунини аниқлашда муҳим ҳисобланади.

Синфдаги таълим, малакавий амалиётлар ҳамда мустақил таълим жараёнида билим, кўникма ва малакалар, фаолият тажрибасини ўзлаштириш ҳамда шахсий, касбий ва индивидуал сифатларга эга бўлиш ўқувчиларнинг таянч, ижодкорлик компетентликларининг шаклланишини таъминлайди.

Ижодкорлик – «қайта шакллантириш», «мавжуд шакл унсурлари ёрдамида янги шакл яратиш демакдир». «Қайта шакллантириш» ижодкорлиги ўз ичига олдиндан маълум бўлган шаклга ўхшаган янги шаклни кашф этишдир, яъни бу жараён муносиб бўлмаган шаклни, муносиброғи билан алмаштиришни ўз ичига олади. Бу дегани, олдингига қараганда мукамалроқ таркибий қисмларни жойлаштириш демакдир.



1-расм. Ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларни шакллантириш дидактик модели<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган

Шу каби ижодкорликни ўрганиш имкониятларини исботлаш учун қандай эвристик, яъни янги таклиф ва йўриқномаларимиз борлигини кўрсатишимиз зарур. Имкониятларни, янги йўллارни фаол излашимиз, нарсаларни ўрганиш, чалғитувчи ва тахминий фикрларни аниқлай билишимиз даркор. Бу ҳолда ўрганиш имкониятлари асосий йўналишларни идрок қилиш, йўл ва чораларни фаол билишга интилишни тақозо қилади. Албатта, топилган шакл қоидаларимизга бўйсундирилиши даркор.

Ижодкорликни «бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказиш» – бу жараёнда қоидаларнинг янги қолипи, чизмаси, маълум тузилмаларнинг янги тури юзага келади. Янги яратилган шакллар эски шаклларнинг янгича талқини бўлмайди. Лекин нарсаларни англашнинг ҳақиқатан янги усуллари ва янги шакллари сифатида пайдо бўлади, метафораларнинг қўлланилиши – бу бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказиш “трансформацион” ижодкорликка мисол бўлади. Бу ижодкорлик учун эвристик жараён шакл ва қоидалардан бошқариладиган шакл қоидалари ривожланиши учун туғилаётган имкониятлар сари ҳаракат қилади. Ижодкор шахс қоидалар яратилиши биланок, уларга суянган ҳолда, янги қоидалар яратиш устида иш бошлайди. Ундан сўнг фаолият шаклларини, олдин ҳеч қачон қўлланилмаган шаклларни кашф этиш учун бош қотиради.

Ўқувчиларда ижодкорлик кўникмасини ривожлантиришда асосий эътиборни ижодий фикрлашга йўналтириладиган фикрлаш феъллари ва феъл ифодаларини қўллаган ҳолда машғулотларни ташкил этиш лозим. Ижодий фикрлаш кўникмасини ривожлантириш учун ўқитувчилар ўқувчиларга уларни фикрлашга ундайдиган саволлар таркибидаги феълларга эътибор беришлари лозим. Ўқувчилардан “билим, кўникма ва малака тушунчаларини таърифлаб беринг” каби топшириқлар ижодий фикрлашни шакллантирмайди. Саволдаги “таърифлаб беринг” сўзи “ўзингда мавжуд билимларингни бирма-бир айтиб бер” каби туюлади. Ижодий фикрлашни осонлаштириш учун фикрлашга ундовчи сўзлар, яъни боғлиқликни топинг, яратинг, башорат қилинг, таҳлил қилинг, баён этинг, тасаввур қилинг ва шу каби сўзлардан фойдаланилса самарадорлик юқорироқ бўлади.

**1-босқич.** Репродуктив ижодий ишларни бажариш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали ўқувчиларда халқ хунармандчилигига оид ижодкорлик компетенлигини ривожлантиришда репродуктив даражадаги топшириқларнинг берилиши ва ўқувчилар томонидан ижодий ёндашган ҳолда уларнинг ечимларини дарс ва дарсдан ташқарида топишларига йўналтирилган фаолият тури самарали ҳисобланади. Дарс да ва дарсдан ташқарида ўқув жараёнини ташкил этиш ҳамда мустақил ишлар бажарилади. Бунда ўқувчиларнинг таълимий машғулотларни ташкил этишга тайёргарлиги, техник объект ва технологик жараёнларни амалга оширишда кириш йўриқномаси асосида ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича ижодкорлик кўникмалари ривожлантирилади.

**2-босқич:** Продуктив ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантиришда ўқувчиларнинг халқ хунармандчилигига оид ижодкорлигини ривожлантирувчи муаммоли топшириқлар, ижодкорликка йўналтирилган

масалалар асосида техник жараёнларни бошқаришда жорий йўриқномалар асосида интерактив метод ва усуллардан фойдаланган ҳолда муаммоларнинг оптимал ва самарали тарзда ечими топилади. Дарсдан ташқари ишларни бажаришда жумладан: мустақил ишлар, муаммоли видеотопшириқлар, вазифаларни бажаришда касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантиришга қаратилган ижодий топшириқлар берилишига эътибор қаратилади.

Ўқувчиларнинг таълим жараёни ва технологик вазиятларда ўқиш фаолиятини назорат қилиш орқали танқидий фикрлашини ривожлантиришда кичик гуруҳларда ишлаш катта самарадорликка эга. Қуйидаги технологиялар: SWOT таҳлил, “Эталон”, “IQ” аниқловчи ижодий машқлар ва муаммоли видеотопшириқлар, алгоритмик хариталар ва ҳоказолардан фойдаланиш орқали таълим самарадорлиги ошади.

**3-босқич:** Креатив (ижодкорлик фаолияти натижасида ҳал этишга қаратилган) методик ишланмалардан фойдаланишда креатив фикр ва ижодий ечимлар чиқарилади. Машғулотда ўқувчилар янги ғоялар ва хулосаларга эга бўлади. Амалиётда мустақил равишда машғулотларни ташкил этиш асосида халқ ҳунармандчилигига оид ижодкорликнинг янги элементлари намоён бўлади. Улар мустақил равишда машғулотларга тайёрланиш, бошқариш, жараёни ташкил этиш, ўз-ўзини баҳолаш орқали мустақил фаолият кўрсатишга ўтишади. Техник объект ва технологик жараёнда иш самарадорлигини оширувчи новаторлик ишланмалари таклиф этилади.

Технология фанида халқ ҳунармандчилигидан ўқувчиларнинг ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришда фаолият даражалари (танишиш даражаси, эслаш (хотирада сақлаш) даражаси, кўникма ва малакаларнинг намоён бўлиши даражаси, ижодкорлик даражаси) таҳлил қилинди. Ривожлантириш даражасини аниқлаш асосида назорат топшириқлари ишлаб чиқилди.

Ўқувчиларни халқ ҳунармандчилигига ўргатиш жараёнида ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган эвристик методлар асосида илмий-методик тавсиялар, инновацион технологиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, тадқиқот мобайнида ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетентлигини такомиллаштириш мақсадида “SWOT” таҳлил, “Лойиҳалар” ҳамда “Эталон” технологияси асосида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Илмий изланишлар жараёнида умумий ўрта таълим мактабларида технология фанидан синфдан ташқари машғулотларда “Technology crafts” Web-сайт технологияси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил равишда касб танлаш билан бир қаторда ҳунар эгаллаш ва ушбу ҳунарларнинг имкониятларини очиб берадиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Диссертациянинг “Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари” деб номланган учинчи бобида ўқувчиларнинг технология фанида халқ ҳунармандчилигини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган, тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва



натижалари таҳлили тадқиқот муаммолари юзасидан тажриба ишлари натижалари очиб берилган.

Деталларга ишлов бериш аниқлиги белгиланган талабларни тузишда ишлаб чиқариш топшириқларининг яқка характердаги, ўқувчиларнинг ёш, ақлий, психофизиологик хусусиятларига мос келишларини эътиборга олмоқлари лозим. Масалан, 5-7-синф (12-14 ёшли) ўқувчилар учун халқ ҳунармандчилиги бўйича деталларга ишлов беришнинг аниқлиги талабларини, ўлчов мезонларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Текис юзаларга ишлов беришда соддароқ шаклларни чизиш, ўлчаш, белгилашларни ва ясашларни бажариш: ганч, наққошлик, ёғоч, металл ўймакорлиги, каштачилик соҳаларида;

2. Юқорида касбий маҳорат билан тайёрланган, тайёр буюмларга қараб, чизмаларни бажариш. Масалан, кулолчиликда илгари тайёрланган кўза, лаган, товоқ, коса ва пиёлаларга таққослаш, ўйинчоқсозликда тайёр ўйинчоқларга қараб таққослаш;

3. Ўлчамларнинг аниқлиги +0,5 мм гача силжишигача эришиш;

4. Ўлчамлар аниқлигига хом ашё қаттиқлигининг таъсир этмаслиги, масалан, ёғоч ўймакорлигида ёнғоқ ва теракнинг қаттиқлигини таққослаш, тол ёғочининг мевали дарахт билан, тут дарахти ёғочини қайин ва қарағай билан таққослаш ва бошқалар.

5. Белгилаш ва ишлов беришда асосий чизик ва ўлчамларнинг четки чегара чизикларининг сақланиб қолиши. Бунда ўқувчи чизик турларини яхши билиши, чизмакашлик саводхонлигига эга бўлиши (йўғон, тўғри, ингичка, узук-узук, чизик нуқтали чизик, штрих, тўлқинсимон ва бошқ.).

Тажриба-синов иши республиканинг учта минтақаси бўйича майдонларни белгилаш асосида амалга оширилди (**1-жадвал**).

#### 1-жадвал

#### Респондент-ўқувчилар сони (тажриба-синов майдонлари бўйича)

№	Тажриба-синов майдонлари	Респондент-ўқувчилар сони
1.	Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги 10-мактаб	54
2.	Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги 51-мактаб	50
3.	Самарқанд вилояти, Иштихон туманидаги 58-мактаб	58
4.	Самарқанд шаҳар 60-ихтисослашган мактаб	46
5.	Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 21-мактаб.	52
6.	Қашқадарё вилояти, Дехқонобод туманидаги 40-мактаб.	54
7.	Навоий вилояти, А.Навоий номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби.	56
<b>Жами</b>		<b>370</b>


Қуйидаги жадвалда янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш жараёнида ўқувчилар билим даражаси динамикасининг ўзгариши (сон ва % ҳисобида) келтирилган.

**2-жадвал.**

**Ўқувчиларнинг «Технология» фани бўйича хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларининг шаклланганлик кўрсаткичлари**

Тажриба босқичи ва ўқув йили	Таълим му-а	Ўзлаштириш даражаси	Тажриба гуруҳларида		Назорат гуруҳларида	
			Тажриба бошида <i>m=184</i>	Тажриба охирида <i>m=184</i>	Тажриба бошида <i>n=186</i>	Тажриба охирида <i>n=186</i>
2018-2019 ўқув йили	Умумий ўрта таълим мактаблари	Энг юқори (аъло)	24(13%)	50(27%)	15 (8%)	24 (13%)
		Юқори (яхши)	33(18%)	75(41%)	26 (14%)	32 (17%)
		Ўрта (қоникарли)	127(69%)	59(32%)	145 (78%)	130 (70%)

Ўтказилган тажриба-синов натижалари ўқувчиларнинг «Технология» фани бўйича ўқувчиларнинг ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришда инновацион таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларининг шаклланганлик кўрсаткичлари тажриба гуруҳларида 1,14 баробар ва назорат гуруҳларида 1,03 баробар самарадорликка, эришилганлигини кўрсатди.



**2-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг натижалари гистограммаси**

Тадқиқотлардан олинган натижалар асосида ўқувчиларнинг «Технология» фани бўйича педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожланганлик кўрсаткичлари қиёсий таҳлили қуйидаги гистограммада берилди (2-расм).

Гистограммадан кўриниб турибдики, «Технология» фани бўйича инновацион таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожланганлик

кўрсаткичлари тажриба гуруҳи ўқувчиларида 31 % дан 68% фоизга, назорат гуруҳларида 22% дан 30% фоизга ошган.

## ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот олиб бориш жараёнидаги кузатишларимиз натижасида технология фани билан халқ ҳунармандчилигининг бир қатор хусусиятлари, умумий томонлари мавжудлигини аниқладик:

умумий ўрта таълим мактабларида халқ ҳунармандчилигининг тарихий тараққиётини ўрганиш ва ўргатиш долзарб педагогик муаммолардан бири эканлиги аниқланди;

замонавий технология дарс типлари ва ушбу дарсларни ташкил этиш имкониятлари технология дарсларини ташкил этишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритилди;

5-7 синф кесимида технология фанининг мазмун моҳияти ва йўналишлари очиқ берилди. Технология фани мазмунида халқ ҳунармандчилигини ўргатиш имкониятлари таҳлил қилинди. Дидактик тамойиллар асосида хунармандчилик мазмун моҳияти очиқ берилди;

5-7 синф кесимида технология фанининг мазмун моҳияти ва йўналишлари очиқ берилди. Технология фани мазмунида халқ ҳунармандчилигини ўргатиш имкониятлари таҳлил қилинди. Дидактик тамойиллар асосида хунармандчилик мазмун моҳияти очиқ берилди;

умумий ўрта таълим тизимида халқ ҳунармандчилигини ўрганишда ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришнинг дидактик тизими педагогик шарт-шароитлари аниқланди ва асосланди;

инновацион таълим муҳитида умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларга халқ ҳунармандчилигини ўрганишда ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди ва илмий асосланди;

технология фанидан амалий машғулотларини ташкил этишда турли интерактив методлар “SWOT” таҳлил, “Лойихалар” “Эталон”, “IQ test”дан фойдаланган ҳолда ўқувчилар ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришнинг инновацион ёндашувли тузилмаси яратилди ва амалиётга татбиқ этилди;

технология таълимида қуйидаги ўқув-тарбиявий тадбирлар ўқув элементлари (ЎЭ) тарзида ташкил этилди;

технология фанида халқ ҳунармандчилигидан ўқувчиларнинг ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришда фаолият даражалари (танишиш даражаси, эслаш (хотирада сақлаш) даражаси, кўникма ва малакаларнинг намоён бўлиши даражаси, ижодкорлик даражаси) таҳлил қилинди. Ривожлантириш даражасини аниқлаш асосида назорат топшириқлари ишлаб чиқилди;

ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнининг мантикий структурали босқичлари таҳлил қилинди, топшириқларнинг ҳар бир гуруҳи ўқувчи

томонидан субъектив ижодий тажриба тўпланишининг зарурий шарти эканлиги илмий хулосаланди;

ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатишда ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш дарс ва дарсдан ташқарида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида тадбиқ этилган педагогик ва техник муаммоли вазиятли топшириқларни бажариш натижасида методик ривожланганлик даражалари таҳлил қилинди;

ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатишда ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш назарий ва методик жиҳатдан асослаш мақсадида амалга оширилган тадқиқотларимизда қўлланилган методика самарали ҳамда ишончли эканлигини исботланди;

ўқувчиларни халқ хунармандчилигига ўргатишда ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришнинг асосий шакллари, методик компетентликни ривожлантиришнинг мазмунан кетма-кетлиги, мураккаблик даражасига кўра инновацион мустақил ишлар турлари, инновацион ёндашув асосида методик компетентликнинг ривожланганлигини шакллантириш орқали амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган фаолиятни ташкил этишга қаратилган методикани таълим тизими амалиётига татбиқ этилиши илмий асосланди.

## **ТАВСИЯЛАР**

Умумий ўрта таълим мактабларида «Технология» ўқув фани мазмунини халқ хунармандчилигига оид кам харажатли материал ва хом ашёлардан маҳсулотлар тайёрлашга доир дидактик маълумотлар билан бойитиш;

Умумий ўрта таълим мактаблари таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларида халқ хунармандчилигига оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган таълим технологияларини ишлаб чиқиш;

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ИГАМОВ СОБИР САЛИМОВИЧ**

**ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ФОРМИРОВАНИЯ  
ТВОРЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ  
СТУДЕНТОВ НАРОДНЫМ ПРОМЫСЛАМ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений (Технология)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Самарканд – 2022**

Тема диссертации, доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан (рег. №)

Докторская диссертация: выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Куйсинов Одил Алмурадович**  
доктор педагогических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Ибрагимов Аъламжон Амриллович**  
доктор философии по педагогическим наукам (PhD),  
доцент

**Шомирзаев Махматмурод Хуррамович**  
доктор педагогических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Кокандский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится « 21 » 02 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/03.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87; e-mail:samdu\_ped\_kengash@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (рег. № 19). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан « 12 » 02 2022 года.  
(Реестр протокола рассылки № 9 от « 12 » 02 2022 года).



**Х.И.Ибраимов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.п.н. (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**  
Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В современных условиях стремительного развития науки и технологий в мире растет спрос на творческих специалистов, которые постоянно ищут новые решения проблем, творческое мышление для развития отраслей, производства качественной продукции. При подготовке учеников к творческой деятельности важно использовать технологии, внеаудиторные занятия. Поэтому сегодня в процессе обучения технологии особое внимание уделяется формированию и развитию творческих способностей студентов, формированию качеств самостоятельного мышления и научного поиска.

По всему миру проводятся исследования, чтобы подготовить студентов к творческой деятельности, принять решение и развить свои творческие навыки, повысить их интерес к избранной профессии. В частности, приоритет отдается междисциплинарному совершенствованию народных промыслов, развитию индивидуального творчества и научному обоснованию психолого-дидактических аспектов творческого развития, расширению педагогического потенциала для развития технического творчества. В то же время в процессе обучения студентов народным промыслам возникает необходимость научно обосновать совершенствование инновационных технологий формирования творческих компетенций.

В системе непрерывного образования в нашей стране особое внимание уделяется воспитанию студентов как зрелых, разносторонних личностей, совершенствованию методов их подготовки к творческой деятельности, совершенствованию механизмов обеспечения их активного участия в будущей профессиональной деятельности. «Формирование здоровой, сильной и эффективной мотивации студентов к учебе с раннего возраста и выбору профессии, самостоятельному планированию профессионального роста, развитию умения осваивать современные профессии»<sup>3</sup> является важным приоритетом. В частности, важно выявить современные технологии реализации логических структурных шагов в формировании творческих компетенций в процессе обучения студентов ремеслам, а также разработать научно обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию механизмов формирования творческих способностей компетенции в классе и внеучебной деятельности.

Данное исследование в определённой степени служит осуществлению задач, выдвинутых в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан, таких как ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», 29 апреля 2019 года № ПФ-5712 «Об утверждении Концепции развития общественности. система образования Республики Узбекистан до 2030 года », 6 ноября 2020 года № ПФ-6108« Развитие образования и науки в новый период развития

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

Узбекистана Постановление № ПП-3907 от 14 августа 2018 г. «О мерах по воспитанию молодежи духовно, нравственно и физически гармонично, поднять систему образования на качественно новый уровень», 6 ноября 2020 г. Постановление № ПП -4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования», 28 ноября 2019 г. № ПП-4539 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию ремесел и поддержке ремесленников», а также в других нормативно-правовых документах, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий республики I. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

